



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 9 » iyun

№ 322

Toshkent sh.

Мутахассислиги бўйича камида беш йил меҳнат стажига эга бўлган хотин-қизларни давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартибини тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 7 мартағи ПФ-87-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларда олий маълумотли хотин-қизлар улушини янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласиди:

1. Кўйидагиларни назарда тутивчи **Мутахассислиги бўйича камида беш йил меҳнат стажига эга бўлган хотин-қизларни давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансаннан:**

давлат органлари ва ташкилотларда мутахассислиги бўйича камида беш йил меҳнат стажи мавжуд, бироқ олий маълумотга эга бўлмаган хотин-қизларни (кейинги ўринларда – хотин-қизлар) давлат олий таълим муассасаларининг бакалавриатига базавий тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш бўйича алоҳида қабул параметрларини белгилаш тартиби;

хотин-қизларга Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси томонидан бир марта 3 йил муддат давомида амал қиласидан тавсиянома бериш;

тавсияномага эга бўлган хотин-қизларни олий таълим муассасаларига кириш учун танловлар натижасига кўра алоҳида қабул параметрлари доирасида ўқишга қабул қилиш тартиби.

2. Белгилансанки:

тавсияномага эга бўлган хотин-қизлар учун танловлар умумий тартибда давлат олий таълим муассасаларининг бакалавриатига ўқишга қабул қилиш бўйича кириш имтиҳонлари (тест синови, касбий (ижодий) имтиҳон) доирасида ўтказилади;

кириш имтиҳонлари якунларига кўра тўпланган балл бўйича талабаликка тавсия этилмаган, бироқ тўплаш мумкин бўлган энг юқори баллнинг 30 фоизини ва ундан кам бўлмаган баллни тўплаган тавсияномага эга бўлган хотин-қизлар Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссияси томонидан тақсимланган квоталар асосида, баллар кетма-кетлигига қатъий риоя этилган ҳолда, алоҳида қабул параметрлари (жами 500 та квота) доирасида танловга кўра тўлов-контракт асосида ўқишга тавсия этилади.

3. Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, тизимида профессионал таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда колледж ва техникумларни битирган ҳамда олий маълумотга эга бўлмаган хотин-қизлар рўйхатини мутахассислиги бўйича шакллантирсинг ва доимий янгилаб борсин.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги мазкур рўйхатдаги хотин-қизларнинг камида беш йил меҳнат стажига эгалигини “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплекси маълумотлари асосида аниқласин ва доимий янгилаб борилишини таъминласин.

4. Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан келишган ҳолда ҳар йили **1 июнга** қадар хотин-қизлар меҳнат фаолияти кам бўлган соҳаларда камида беш йил меҳнат стажига эга бўлган хотин-қизлар учун ажратилган тўлов-контракт асосидаги **500** та алоҳида квотани давлат олий таълим муассасалари бўйича тақсимлаш ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссиясига киритсинг.

5. 2022-2023 ўкув йили учун талабгорлардан ҳужжатларни қабул қилиш муддатлари истисно тариқасида Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасининг таклифлари асосида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссияси томонидан белгилансинг, келгуси ўкув йилларидан бошлаб талабгорлардан ҳужжатларни қабул қилиш 1-иловага мувофиқ умумий тарзда амалга оширилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Ота-онаси ёки уларнинг биридан айрилган муҳтоҷ қизлар ва боқувчиси йўқ ёлғиз аёллар олий таълим олишини моддий жиҳатдан қўллаб-куватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 17 сентябрдаги 585-сон қарорига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раиси З.Б. Маҳкамова ҳамда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазири А.Х. Тошқулов зиммасига юклансинг.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 9 июндаги 322-сон қарорига
1-илова

Мутахассислиги бўйича камидан беш йил меҳнат стажига эга бўлган хотин-қизларни давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом мутахассислиги бўйича камидан беш йил меҳнат стажи мавжуд, бироқ олий маълумотга эга бўлмаган хотин-қизларни давлат олий таълим муассасаларига алоҳида қабул параметрлари доирасида танлов натижаларига кўра тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш тартибини белгилайди.

Бунда ўқишга қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасининг (кейинги ўринларда – Кўмита) тавсияномаси асосида мутахассислиги бўйича камидан беш йил меҳнат стажи мавжуд, бироқ олий маълумотга эга бўлмаган хотин-қизлар ҳисобидан, иш фаолиятига мос бўлган давлат олий таълим муассасаларининг бакалавриатига ўқишга қабул қилиш бўйича кириш имтиҳонлари (тест синови, касбий (ижодий) имтиҳон) доирасида амалга оширилади.

Ушбу Низом олий ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган таълим муассасаларига, Ўзбекистон Республикасида фаолият олиб бораётган хорижий ва нодавлат олий таълим ташкилотлари ҳамда уларнинг филиалларига нисбатан татбик этилмайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ишчи гуруҳ – талабгорга тавсиянома бериш масаласини кўриб чиқиши учун ташкил этилган туман (шаҳар) ҳокими ўринбосари – оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи (ишчи гуруҳ раҳбари), туман (шаҳар) иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи, туман (шаҳар) молия бўлими бошлиғи, туман (шаҳар) солиқ бўлими бошлиғи, туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази бошлиғи, туман (шаҳар) халқ таълими бўлими бошлиғи, туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлими бошлиғи, Ёшлар ишлари агентлиги туман (шаҳар) бўлими раҳбаридан иборат таркибда Оила ва хотин-қизлар бўлимида тузиладиган гуруҳ.

Ишчи гуруҳ фаолияти унинг аъзоларининг учдан икки қисми иштирок этган тақдирда, ваколатли ҳисобланади;

мутахассислик – талабгорнинг ўрта маҳсус ва профессионал таълим бўйича олган мутахассислиги;

талабгор – тавсиянома асосида мутахассислиги бўйича камида беш йил меҳнат стажи мавжуд, бироқ олий маълумотга эга бўлмаган ҳамда давлат олий таълим муассасаларига кириш истагида бўлган хотин-қизлар.

3. Тавсиянома олиш учун талабгор қўйидаги мезонларнинг барчасига мувофиқ келиши керак:

ўрта маҳсус ёки профессионал таълим бўйича мутахассисликка эга бўлиши;

тавсиянома олгунга қадар олий таълим олмаганлиги ёки олмаётганлиги;

ўрта маҳсус ёки профессионал таълим мутахассислиги бўйича беш йиллик меҳнат стажига эга бўлиши.

Тавсиянома берилган кундан бошлаб уч йил муддат давомида фақат бир марта олий таълим муассасасига қабул қилиниши учун амал қиласди.

4. Тавсияномага эга бўлган талабгорларни давлат олий таълим муассасаларига танлов натижалари доирасида тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш мазкур Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Тавсияномани бериш тартиби

5. Туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимлари талабгорга тавсиянома бериш масаласини кўриб чиқиши учун **ҳар йили 25 апрелга қадар** ишчи гурӯҳларни ташкил этади.

6. Тавсиянома олиш учун талабгор доимий яшаш ёки вақтинча рўйхатда турган жойидаги туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимлари (ишчи гурӯҳ)га **ҳар йили 1 майдан 1 июнга қадар** ушбу Низомга 2-иловада келтирилган шаклга мувофиқ ариза билан мурожаат қиласди.

Ушбу бандда кўрсатилган муддатдан кечикиб берилган аризалар кўриб чиқилмайди.

7. Ишчи гурӯҳлар тавсиянома олиш мақсадида мурожаат этган талабгорларнинг ариза ва унга илова қилинган хужжатларини мазкур Низомнинг 3-бандида белгиланган мезонларга мувофиқлиги юзасидан **ҳар йили 1 июндан 7 июнга қадар** кўриб чиқади.

Бунда ишчи гурӯҳлар томонидан мазкур Низомнинг 3-бандида кўрсатилган мезонларни тасдиқловчи маълумотлар ва электрон шаклдаги хужжатлар (меҳнат стажини тасдиқловчи маълумотлар, ўрта маҳсус таълим муассасасида ўқиганликни тасдиқловчи архив маълумотномаси) “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси ҳамда “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплекси орқали олинади.

“Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплекси жорий қилингунга қадар ишлаган ва 2020 йил 1 январдан кейинги даврда меҳнат фаолиятини олиб бормаётган талабгорларнинг иш стажи маълумотлари

(агар “Ягона миллий меҳнат тизими” идораларо дастурий-аппарат комплексида қайд этилмаган бўлса) уларнинг меҳнат дафтарчаларидағи ёзувлар асосида олинади.

Талабгорларнинг ўzlари томонидан “Ягона миллий меҳнат тизими” идораларо дастурий-аппарат комплексига киритилган ва бугунги кунда тизимда тасдиқланмаган иш стажи маълумотлари меҳнат дафтарчаларидағи ёзувлар билан бир хил бўлган тақдирда инобатга олинади.

8. Ишчи гуруҳлар тавсиянома беришга тавсия этилган талабгорларнинг рўйхатларини шакллантиради. Бунда талабгорларнинг ҳужжатларини кўриб чиқиш якуни бўйича қўйидаги хулосалардан бири қабул қилинади:

тавсиянома беришга тавсия этиш тўғрисида;

тавсиянома беришга тавсия этишни рад этиш тўғрисида.

9. Кўйидагилар тавсиянома беришга тавсия этишни рад этиш учун асос ҳисобланади:

талабгорнинг ушбу Низомнинг 3-бандида белгиланган мезонларга мувофиқ эмаслиги;

ариза ваколатга эга бўлмаган шахс томонидан берилганлиги.

10. Ишчи гуруҳ йиғилишининг якуни бўйича электрон ҳужжат шаклидаги баённома тузилиб, ишчи гуруҳ раҳбари ва аъзоларининг электрон рақамли имзолари билан тасдиқланади.

Ишчи гуруҳнинг хулосаси асосида туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими раҳбарининг талабгорга тавсияномани бериш ёки тавсиянома беришни рад этиш тўғрисидаги қарори (электрон ҳужжат шаклида) қабул қилинади ва тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда кўриб чиқиш учун **10 июнга қадар** Кўмитага тақдим қилинади.

11. Кўмита туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими раҳбарининг қарори ва унга илова қилинган ҳужжатларни **ҳар йили 10 июндан 14 июнга қадар** мазкур Низом талабларига мувофиқлиги юзасидан кўриб чиқади ҳамда тавсияномани бериш ёки тавсиянома беришни рад этиш тўғрисида Кўмита биринчи раҳбарининг буйруғи чиқарилади.

Тавсиянома ушбу Низомга З-иловада келтирилган шаклга мувофиқ Кўмитанинг биринчи раҳбари томонидан, биринчи раҳбар лавозими вакант бўлганда ва/ёки унинг вазифаларини бажариш бошқа шахсга юклатилганда эса – ушбу раҳбар томонидан берилади.

Кўмита биринчи раҳбарининг буйруғи **ҳар йили 14 июнга қадар** тегишли туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимига (ишчи гуруҳга) талабгорни хабардор қилиш учун юборилади.

Ишчи гуруҳ томонидан **икки иш куни ичида** талабгорларнинг мобил телефон рақамига ёки электрон манзилига тавсиянома беришга тавсия этилганлиги ёки рад этилганлиги тўғрисида хабар юборилади.

Талабгор қарордан норози бўлган тақдирда, қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

12. Кўмита ҳар йили 15 июня қадар:

тавсиянома берилган хотин-қизлар электрон реестрини шакллантиради;

тавсияномага эга бўлган хотин-қизлар рўйхатларини ва улар ҳақидаги маълумотларни махсус дастурга киритиш учун Давлат тест марказига юборади;

тавсиянома берилган талабгорларнинг рўйхатини ўз расмий веб-сайтида эълон қиласди.

13. Ишчи гуруҳ ҳар йили 15 июня қадар тавсиянома талабгорларга етказилишини таъминлайди.

14. Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар оила ва хотин-қизлар бошқармалари ишчи гурухлар фаолиятини ташкил қиласди, мувофиқлаштиради ҳамда амалий ва методик жиҳатдан қўмаклашади.

3-боб. Ўқишига қабул қилиш бўйича алоҳида қабул параметрларини белгилаш

15. Кўмита Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишган ҳолда ҳар йили 10 июня қадар хотин-қизлар меҳнат фаолияти кам бўлган соҳаларда камида беш йил меҳнат стажига эга бўлган хотин-қизлар учун ажратилган тўлов-контракт асосидаги **500** та алоҳида квотани давлат олий таълим муассасалари бўйича тақсимлайди ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишига қабул қилиш бўйича давлат комиссияси (кейинги ўринларда – Давлат комиссияси)га киритади.

16. Давлат олий таълим муассасалари бўйича тақсимланган алоҳида квота ҳар йили 15 июня қадар Давлат комиссияси қарори билан тасдиқланади.

4-боб. Талабгорларни рўйхатдан ўтказиш

17. Тавсияномага эга бўлганлар давлат олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим йўналишига ўқишига қабул қилиш учун қонунчилик хужжатларида белгиланган муддатларда Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест марказининг расмий веб-сайти орқали рўйхатдан ўтиди.

18. Тавсияномага эга бўлган хотин-қизларнинг имтиёзлари ҳақидаги маълумотлар Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест марказининг (кейинги ўринларда – Давлат тест маркази) махсус дастури орқали рўйхатдан ўтиш жараёнида талабгорларнинг шахсий кабинети (имтиёзлар бўлими)да шаклланади.

19. Давлат тест маркази 10 кун муддатда талабгорларнинг шахсий кабинети (имтиёзлар бўлими)да тавсияномага эга бўлган хотин-қизларнинг имтиёзлари ҳақидаги маълумотлар қайд этилиши юзасидан расмий дастурга ўзгартиришлар киритади.

Талабгорларнинг шахсий кабинетида унга тегишли тавсиянома ҳақида маълумот мавжуд бўлмаса, Кўмитага мурожаат қиласи.

5-боб. Талабгорларнинг тест синовида иштирок этиши ва натижаларни эълон қилиш

20. Тавсияномага эга бўлган хотин-қизлар учун танловлар умумий тартибда давлат олий таълим муассасаларининг бакалавриатига ўқишга қабул қилиш бўйича кириш имтиҳонлари (**тест синови, касбий (ижодий) имтиҳон**) доирасида ўтказилади.

21. Кiriш имтиҳonлari якунлariга кўra тўплangan балл бўйичa талabаликка тавсия этиlmagan, бироқ тўплаш мумкин bўlган энг юқори баллнинг 30 фоизини ва undan kam bўlмаган баллни тўплаган тавсияномага эга bўlган хотин-қizлар ballar ketma-ketligiga qatъiy riоя etilgan ҳolda, Davlat komissiyasi томонидан taқsimlanган aloҳida қabul parameterlari doirasiда тўlov-контракт асосида ўқишга тавсия этилади.

22. Kiriш имтиҳonлariда тўплаш мумкин bўlган энг юқори баллнинг 30 фоизини ва undan kam bўlмаган баллни тўплаган, ammo талabаликка тавsия этиlmagan тавsияномагa эga bўlган хотin-қizlар yozasidan maъlumotlar Davlat test markazi томонидан ballar ketma-ketligi bўyicha, abituriyent sifatida rўyhatdan ўtiш давrida tanlagan birinchi taъlim йўnaliшlariга ўқишga қabul қiliш bўyicha kiriш имтиҳonлarining яkuniy natiжasi эъlon қilingan kundan boшlab besh kун мuddatda Kўmitaga taқdim этилади.

23. Tavsияномагa эga bўlган хотin-қizlар учун ajratilgan aloҳida қabul parameterlari doirasiда, ballar ketma-ketligi bўyicha abituriyent rўyhatdan ўtiш давrida tanlagan birinchi taъlim йўnaliшiga tanlov natiжasi асосида талabалиkka тавsия этилади.

6-боб. Якунловчи қoидалар

24. Mазкур Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик хужжатларида белgilangan тартибда ҳal этилади.

25. Ушбу Низом талablari бузилишида айбор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавоб берадилар.

Мутахассислиги бўйича камидан беш йил меҳнат
стажига эга бўлган хотин-қизларни давлат олий
таълим муассасаларига ўқишига қабул қилиш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

**Тавсияномага эга бўлган талабгорни давлат олий таълим муассасаларига
танлов натижалари доирасида тўлов-контракт асосида ўқишига қабул қилиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Талабгор	Олий таълим муассасасига ўқишига кириш максадида тавсиянома олиш учун мурожаат қилади.	Ҳар йили 1 майдан 1 июнга қадар
2-босқич	Туман (шаҳар) оила ва хотин- қизлар бўлими Ишчи гурухлар	1. Туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимларида тегишли ташкилотлар вакилларидан иборат ишчи гурух шакллантирилади. 2. Хотин-қизларнинг мурожаатлари асосида уларга тавсиянома беришига тавсия этиш ёки уни рад этиш тўғрисида хulosса қабул қиласи ва уни туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар қўмитасига тақдим қиласи.	Ҳар йили 25 апрелга қадар Ҳар йили 1 июндан 7 июнга қадар
3-босқич	Туман (шаҳар) оила ва хотин- қизлар бўлими	Ишчи гурух хulosаси асосида хотин-қизларга тавсиянома беришига тавсия этиш ёки уни рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласи ҳамда уни Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасига кўриб чиқиш учун тақдим этади.	Ҳар йили 7 июндан 10 июнга қадар
4-босқич	Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси	1. Тақдим этилган қарор ва унга илова қилинган хужжатларни кўриб чиқиб, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси биринчи раҳбарининг тавсияномаларни бериш ёки уни рад этиш тўғрисидаги буйрганини чиқаради. 2. Тасдиқланган тавсияномаларни барча туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимларига юборади.	Ҳар йили 10 июндан 14 июнга қадар Ҳар йили 15 июнга қадар
5-босқич	Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси	1. Тавсиянома берилган хотин-қизлар электрон реестрини шакллантиради. 2. Тавсияномага эга бўлган хотин-қизлар рўйхатларини ва улар ҳақидаги маълумотларни маҳсус дастурга киритиш учун Давлат тест марказига юборади. 3. Тавсиянома берилган талабгорларнинг рўйхатини Кўмитанинг расмий веб-сайтида эълон қиласи.	Ҳар йили 15 июнга қадар
6-босқич	Туман (шаҳар) оила ва хотин- қизлар бўлими	Тавсияномалар талабгорларга етказилишини таъминлайди.	Ҳар йили 15 июнга қадар

Мутахассислиги бўйича камида беш йил меҳнат
стажига эга бўлган хотин-қизларни давлат олий
таълим муассасаларига ўқишига қабул қилиш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

NAMUNA

_____ туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар
бўлими бошлиғи
_____ га

_____ тумани (шаҳри) “_____” МФЙ
кўчаси _____-уй _____-хонадонда
яшовчи фуқаро

_____ дан

АРИЗА

Мен _____ мутахассислиги бўйича фаолият кўрсатаётганимга
(мутахассислик номи)

_____ йил бўлганлиги муносабати билан хотин-қизлар учун давлат олий таълим
муассасаларининг бакалавриатига базавий тўлов-контракт асосида ажратилган
алоҳида қабул параметрлари доирасида _____ таълим йўналиши
бўйича ўқишига кириш учун тавсиянома олишимга рухсат беришингизни сўрайман.

Аризага қўйидаги ҳужжатларни илова қиласман:

1. Фуқаролик паспорти ёки ID карта нусхаси.
2. Меҳнат дафтарчасидан кў chirma
3. Маълумотнома-объективка.

(Ф.И.О)

(санаси)

(имзо)

Мутахассислиги бўйича камидаги беш йил меҳнат
стажига эга бўлган хотин-қизларни давлат олий
таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш
тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

**Олий таълим муассасаларига камидаги беш йил меҳнат стажига эга бўлган
хотин-қизларни давлат олий таълим муассасаларининг бакалавриат
таълим йўналишларига алоҳида қабул параметрлари асосида
танловда иштирок этиши учун
ТАВСИЯНОМА**

ТАВСИЯНОМА
№ АА 000000

Ушбу тавсиянома фуқаро

га

(фамилияси, исми, отасининг исми)

(ЖШШИР) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
20 ____ йил “____” даги “____”-сон қарорига мувофиқ мутахассислиги бўйича
камидаги беш йил иш стажига эга бўлган хотин-қизларни давлат олий таълим муассасаларининг
бакалавриат _____ таълим йўналишларига умумий қабул параметрларидан
ташқари танловда иштирок этиши учун берилди.

Тавсиянома Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси биринчи
раҳбарининг 20 ____ йил “____” даги “____”-сон буйруғига асосан берилди.

Тавсиянома расмийлаштириб берилган кундан эътиборан
уч йил муддат давомида фақат бир марта олий таълим муассасасига қабул қилиниш учун амал
қиласади.

Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси биринчи раҳбари

(Ф.И.О.)

(имзо)

QR – код (матрик штрихли код)

20 ____ йил “____” _____

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 9 июндангиз 322-сон қарорига
2-илова

**Вазирлар Маҳкамасининг “Ота-онаси ёки уларнинг биридан айрилган
муҳтоҷ қизлар ва боқувчиси йўқ ёлғиз аёллар олий таълим олишини
моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”
2021 йил 17 сентябрдаги 585-сон қарорига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Номи қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

**“Ижтимоий эҳтиёжманд оила вакиллари, етим ёки ота-онасининг
қарамоғидан маҳрум бўлган талаба хотин-қизларнинг олий
таълим олишини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш
чора-тадбирлари тўғрисида”.**

2. Муқаддима қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оила ва хотин-қизларни
тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-
тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 7 мартдаги ПФ-87-сон Фармони ҳамда
“Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол
иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари
тўғрисида” 2021 йил 5 мартдаги ПҚ-5020-сон қарори ижросини таъминлаш,
шунингдек, эҳтиёжманд хотин-қизларнинг таълим олишга бўлган
қизиқишлирини рағбатлантириш ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, билим
олишлари учун имкониятлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор
қиласди:”.

3. 1 ва 2-бандлар қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

“1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларни қўллаб-
қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини
янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 5 мартдаги
ПҚ-5020-сон қарори ҳамда “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-
қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”
2022 йил 7 мартдаги ПФ-87-сон Фармонига мувофик:

а) ҳар йили базавий тўлов-контракт асосида давлат олий таълим
муассасасига қабул қилинган, ижтимоий эҳтиёжманд оила вакиллари, етим ёки
ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган талаба хотин-қизларни (кейинги
ўринларда – эҳтиёжманд талabalар) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар
Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳисобидан ўқитиш
тартиби жорий этилганлиги;

б) бунда, ўқиш учун тўлов пуллари Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳар
йили 150 нафардан эҳтиёжманд талabalар учун маҳаллий бюджетнинг қўшимча
манбалари ҳисобидан қайтариш шартисиз қоплаб берилиши белгиланганлиги
маълумот учун қабул қилинсин.

2. Куйидагиларни назарда тутувчи Ижтимоий эҳтиёжманд оила вакиллари, етим ёки ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган талаба хотин-қизларнинг олий таълим олишини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан базавий тўлов-контракт миқдорини тўлаб бериш мақсадида талабгорларни танлаб олиш мезонлари;

талабгорларни танлаб олиш шартлари ва шу мақсадда маҳаллий ҳокимликлар ҳузурида ташкил этилаётган комиссиялар фаолияти;

маҳаллий ҳокимликлар томонидан олий таълим муассасаларига танланган 150 нафар талабгорларга тўлов-контракт миқдорини тўлаб бериш тартиби”.

4. З-банддаги “Маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш вазирлиги” сўзлари “Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси” сўзлари билан алмаштирилсан.

5. 5-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсан:

“5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раиси З.Б. Маҳкамова ҳамда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазири А.Х. Тошқулов зиммасига юклансин”.

6. Илова (Ота-онаси ёки уларнинг биридан айрилган муҳтоҷ қизлар, боқувчиси йўқ ёлғиз аёллар олий таълим олишини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низом) да:

а) номи қуйидаги таҳрирда баён қилинсан:

“Ижтимоий эҳтиёжманд оила вакиллари, етим ёки ота-онасининг

қарамоғидан маҳрум бўлган талаба хотин-қизларнинг олий .

таълим олишини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш

тартиби тўғрисида

НИЗОМ”;

б) 1 ва 2-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсан:

“1. Ушбу Низом ижтимоий эҳтиёжманд оила вакиллари, етим ёки ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган талаба хотин-қизлар (кейинги ўринларда – талабгорлар) олий таълим олишини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида базавий тўлов-контракт миқдори тегишли Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари (кейинги ўринларда – ҳокимликлар) томонидан тўлаб берилиши тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низом 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан тасдиқланган қабул параметрлари доирасида базавий тўлов-контракт асосида давлат олий таълим муассасининг бакалавриат таълим йўналишига (таълим шаклидан қатъи назар) талабаликка тавсия этилган, иккинчи ва ундан юқори босқичларда таҳсил олаётган талабгорларга нисбатан қўлланилади”;

в) 3-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб ҳар йили ўзларининг худудларидан ўқишига кирган 40 нафардан, иккинчи ва ундан юқори босқичларда таҳсил олаётган 110 нафар, жами 150 нафар хотин-қизлар учун маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан базавий тўлов-контракт суммасини тўрт ўқув йилининг якупланишига қадар тўлаб беради”;

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

г) 5-бандда:

биринчи хатбошидан “ҳамда давлат олий таълим муассасалари” сўзлари чиқариб ташлансин;

“а” ва “б”-кичик бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“а) кам таъминланган оиласалардаги хотин-қизлар. Бунда кам таъминланган оила деганда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали белгиланган тартибда кам таъминланган деб эътироф этилган оила тушунилади;

б) ижтимоий эҳтиёжманд оила вакиллари, яъни етим ёки ота-онасининг қарамогидан маҳрум бўлган талаба хотин-қизлар;”;

қуйидаги мазмундаги “в”-кичик банд билан тўлдирилсин:

“в) ижтимоий эҳтиёжманд оила вакиллари, яъни боқувчисини йўқотган (турмуш ўртоғи вафот этган), вояга етмаган фарзандларни ёлғиз тарбиялаётган эҳтиёжманд аёллар”;

д) 6-банддаги “ижтимоий ҳолати тўғрисидаги маълумотномани (хужжатни)” сўзлари “аризани” сўзи билан алмаштирилсин;

е) 7, 8, 9 ва 10-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

7. Олий таълим муассасаси қабул комиссияси томонидан талабгорларнинг ижтимоий ҳолати тўғрисида маълумотлар (талабгорнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси, ота-онаси ёки уларнинг бири вафот этганлиги тўғрисида ўлим гувоҳномаси, турмуш ўртоғи вафот этганлиги тўғрисида ўлим гувоҳномаси нусхаси ва вояга етмаган фарзандининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси) “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали олинади.

8. Ҳар бир давлат олий таълим муассасаси белгиланган мезонлар асосида талабгорлар рўйхатини таҳлил қилиб, мазкур Низомнинг 5-бандида келтирилган мезонлар асосида талабгорлар рўйхатини 5 календарь иш кунида Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига юборади.

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан ҳар йили 5 календарь иш куни ичida талабгорларнинг рўйхати, талаб этилган ҳужжатлар (талабгорнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси нусхаси, ота-онаси ёки уларнинг бири вафот этганлиги тўғрисида ўлим гувоҳномаси нусхаси, ёхуд турмуш ўртоғи вафот этганлиги тўғрисида ўлим гувоҳномаси нусхаси ва вояга етмаган фарзандининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси нусхаси) баллар

кетма-кетлигига қатый риоя этилган ҳолда бакалавриат таълим йўналишлари ва ўкув йили учун тўлов-контракт миқдорлари аниқ кўрсатилган ҳолда ёзма равишда доимий яшаш жойи бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига юборилади.

9. Ҳокимликлар томонидан мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ таркибда Ижтиомий эҳтиёжманд оила вакиллари, етим ёки ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган талаба хотин-қизларнинг олий таълим олишини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш комиссияси (кейинги ўринларда – Комиссия) тузилади. Комиссия Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тақдим этилган талабгорлар рўйхатини қўйидаги тартибда кўриб чиқади:

Комиссия аъзолари туман (шаҳар)ларга бириклирилади, туман (шаҳар) ҳокимининг ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи ҳамда тегишли маҳалладаги хотин-қизлар фаолларидан иборат таркибда ишчи гурух тузилади.

Ишчи гурух 5 календарь иш кунида талабгорларнинг доимий яшаш жойи бўйича ижтиомий ҳолатини ўрганиди, ўрганиш натижаларига кўра Ишчи гурух ҳар бир талабгорлар бўйича далолатнома тузади ва Комиссияга тақдим қиласади.

Зарур ҳолларда Ишчи гуруҳлар томонидан мазкур Низомнинг 5-бандида кўрсатилган мезонларни тасдиқловчи маълумотлар ва электрон шаклдаги хужжатлар (туғилганлик, никоҳ қайд этилганлик, вафот этганлик ҳақида ва бошқа) “Электрон хукумат” тизими идоралара интеграциялашув платформаси орқали олинади.

Комиссия 5 календарь иш кунида ишчи гурух томонидан тақдим этилган тегишли хужжатларни ўрганиб, талабгорларнинг тўплаган баллари, ҳудудлардаги таълим йўналишлари бўйича кадрларга бўлган эҳтиёж ҳамда талабгорларнинг таҳсил олаётган босқичларини инобатга олиб 150 нафар хотин-қизларни саралаб олади ва баённомани расмийлаштиради ҳамда Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасига юборади.

Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси 10 календарь иш кунида тавсияномаларни тасдиқлайди ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига юборади.

10. Комиссия ҳар ўкув йилида 1 октябрдан кеч бўлмаган муддатда базавий тўлов-контракт суммалари тўлаб берилиши белгиланган (тавсиянома берилган) хотин-қизлар рўйхатини ҳамда шартномани имзолаш бўйича хулосаларни тегишилиги бўйича давлат олий таълим муассасаларига ёзма равишда киритади ва белгиланган тартибда шартномаларни расмийлаштиради.

Бунда Комиссия аъзолари томонидан талабгорлардан 150 нафарини танлаб олишда биринчи навбатда уларнинг ижтиомий ҳолати, эҳтиёжмандлиги, тўплаган баллари, ҳудудлардаги таълим йўналишлари бўйича кадрларга бўлган эҳтиёж ҳамда таҳсил олаётган босқичлари инобатга олинади”;

- ж) 11-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;
- з) 13-банддан “ҳамда давлат олий таълим муассасалалари” сўзлари чиқаруб ташлансин;

и) Низомга 1-илова (Ота-онаси ёки уларнинг биридан айрилган муҳтож қизлар, боқувчиси йўқ ёлғиз аёллар олий таълим олишини моддий жиҳатдан қўллаб-куватлаш комиссиясининг намунавий таркиби) да:

номи қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Ижтимоий эҳтиёжманд оила вакиллари, етим ёки ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган талаба хотин-қизларнинг олий таълим олишини моддий жиҳатдан қўллаб-куватлаш юзасидан тавсиянома бериш комиссиясининг НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ”;

3-банд қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

“3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи”;

9-банд қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

“9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ўринбосарлари – оила ва хотин-қизлар бошқармалари бошлиқлари ўринбосари, Комиссия котиби”;

к) Низомга 2-илова (Ота-онаси ёки уларнинг биридан айрилган муҳтож қизлар, боқувчиси йўқ ёлғиз аёллар олий таълим олишини моддий жиҳатдан қўллаб-куватлаш тартиби схемаси)нинг матни қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Ижтимоий эҳтиёжманд оила вакиллари, етим ёки ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган талаба хотин-қизларнинг олий таълим олишини моддий жиҳатдан қўллаб-куватлаш тартиби СХЕМАСИ

Босқичлар	Амалга ошириш механизми	Субъектлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Олий таълим муассасаларининг бакалавриатига ўқишига қабул қилиш бўйича ўтказилган кириш имтиҳонлари (тест синови, касбий (ижодий) имтиҳон) якуни бўйича танлов натижаларини эълон қилиш.	–Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишига қабул қилиш бўйича давлат комиссияси, Давлат тест маркази	Тест синовлари тўлиқ якунлангандан кейин бир хафта ичida

2-босқич	Белгиланган мезонларга мос келувчи хотин-қизлар томонидан олий таълим муассасалари қабул комиссиясига моддий қўллаб-куватлаш юзасидан мурожаат қилиш.	Талабгорлар	Тест натижалари эълон қилинган кундан бошлаб 10 календарь кун давомида
3-босқич	Базавий тўлов-контракт асосида қабул қилинган ва иккинчи ва ундан юқори босқичларда таҳсил олаётган, белгиланган мезонларга мос талабгорлар рўйхатини шакллантириш.	Давлат олий таълим муассасалари	Тест натижалари эълон қилинган кундан бошлаб 5 календарь кун давомида
4-босқич	Талабгорлар рўйхатини Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига юбориш.	Давлат олий таълим муассасалари	Тест натижалари эълон қилинган кундан бошлаб 5 календарь кун давомида
5-босқич	Талабгорларнинг рўйхатини доимий яшаш жойи бўйича Корақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига юбориш.	Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги	5 календарь иш куни ичида
6-босқич	Комиссия аъзоларини туман (шаҳар)ларга бириктириш. Туман (шаҳар)ларга бириктирилган Комиссия аъзоси, туман (шаҳар) ҳокимининг ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи ҳамда тегишли маҳалладаги хотин-қизлар фаолларидан иборат таркибда ишчи гурӯҳни тузиш.	Комиссия	Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигидан рўйхат юборилган куни

7-босқич	Талабгорларнинг доимий яшаш жойи бўйича ижтимоий ҳолатини ўрганиш. Ҳар бир талабгор бўйича далолатнома тузиш ва Комиссияга тақдим қилиш.	Ишчи гурӯҳ	5 календарь иш кунида
8-босқич	Ишчи гурӯҳ томонидан тақдим этилган тегишли ҳужжатларни ўрганиб, 150 нафар хотин-қизларни саралаб олиш ва байённомани расмийлаштириш ҳамда Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасига юбориш.	Комиссия	5 календарь иш кунида
9-босқич	Тавсияномаларни тасдиқлаш ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига юбориш.	Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси	10 календарь иш кунида
10-босқич	Базавий тўлов-контракт суммалари тўлаб берилиши белгиланган (тавсиянома берилган) хотин-қизлар рўйхатини ҳамда шартномани имзолаш бўйича хulosаларни тегишилиги бўйича давлат олий таълим муассасаларига ёзма равишда киритиш ва белгиланган тартибда шартномаларни расмийлаштириш.	Комиссия	Ҳар бир ўқув йилида 1 октябрдан кеч бўлмаган муддатда

”;

к) қуидаги мазмундаги З-илова билан түлдирилсін:

“Ижтимоий әхтиёжманда оила вакиллари, етим ёки ота-онасининг қарамогидан маҳрум бўлган талаба хотин-қизларнинг олий таълим олишини моддий жиҳатдан кўллаб-кувватлаш тартиби тўғрисидаги низомга З-илова

Ижтимоий әхтиёжманда оила вакиллари, етим ёки ота-онасининг қарамогидан маҳрум бўлган талаба хотин-қизларнинг олий таълим олишини моддий жиҳатдан кўллаб-кувватлаш учун
ТАВСИЯНОМА

<p>ТАВСИЯНОМА № АА 0000</p> <p>Ушбу тавсиянома фуқаро _____ (фамилияси, исми, отасининг исми) (_____ (паспорт серияси ва рақами)</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раисининг 20 ____ йил “____” _____ даги ____-сон буйруғига асосан берилди.</p> <p>М.Ў. (мансаддор шахснинг Ф.И.О., имзо)</p> <p>20 ____ йил “____” _____</p>	<p>ТАВСИЯНОМА № АА 0000</p> <p>Ушбу тавсиянома фуқаро _____ (фамилияси, исми, отасининг исми) (_____ (паспорт серияси ва рақами)</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20 ____ йил “____” _____ даги ____-сон қарорига мувофиқ ижтимоий әхтиёжманда оила вакиллари, етим ёки ота-онасининг қарамогидан маҳрум бўлган талаба хотин-қизларнинг олий таълим олишини моддий жиҳатдан кўллаб-кувватлаш учун берилди.</p> <p>Тавсиянома Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раисининг 20 ____ йил “____” _____ даги ____-сон буйруғига асосан берилди.</p> <p>Тавсиянома расмийлаштириб берилган санадан эътиборан бир йил муддат давомида кучга эга бўлади.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси</p> <p>_____ (Ф.И.О.) (М.Ў., имзо)</p> <p>20 ____ йил “____” _____</p>
---	--

